

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 116 (10.421)

2005 ЙИЛ 16 ИЮНЬ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишга йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартибни жорий этилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин: тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат кўзга тилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларининг муқобил тарзда текширишга йўл қўйилди.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин.

3. Қуйидагилар белгилансин: давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат

органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим;

зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги қарорларнинг лойиҳаларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тақдим этсин:

2005 йилнинг 1 июлигача — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси. Бунда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рўхсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин;

2005 йилнинг 1 августигача — айрим фаолият турлари билан шугулланиш учун рўхсат

олиш тартиб-таомилни қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам тадбиқ этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига қадар:

ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича;

ҳўжалик судларига даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валютадаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича;

суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида;

Қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш Президентининг Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 14 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонига илова

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ФАҚАТ СУД ТАРТИБИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Фаолиятни тугатиш.  
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни қўли билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

3. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юбор-

ганлик учун пеня қўйиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқдор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрини равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.

5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.

6. Тадбиркорлик фаолияти-

нинг айрим турлари билан шугулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).



• Андижон Давлат университетиде талабалар ва ўқитувчилар иштирокида Президент Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдими бўлиб ўтди.


• Андижон вилояти пиллакорлари пилла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Давлатга 2230 тоннадан ортик қимматли хом ашё сотилди.

• Ёшлар терроризмга қарши ҳаракатини Жиззах вилояти Дўстлик тумани Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти билан ҳамкорликда «Ёшлар терроризмга қарши» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.

• Самарқандда «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида коллеж-мактаб механизмини такомиллаштириш йўллари» мавзуда амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.

• Паркент туманида диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг навбатдаги семинари бўлиб ўтди.

• Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор қўرғонига Чирчиқ маҳалласида болалар учун спорт майдончаси курилиб, фойдаланишга топширилди.



• Қувайт ҳукумати таркибига мамлакат тарихида илк мартаба аёл киши киритилди. Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳаракати фаолларидан бўлган Маъсува ал-Муборак Қувайт ҳукуматида режалаштириш ва маъмурий ривожланиш вазирини лавозимида иш бошлади.

• Молдованинг Днестрбўйи республикасида Россия ўз қўшинларини 2005 йил октябрга қадар олиб чиқиб кетиши керак. Молдова парламенти мазкур баёнотни ягона овозда қабул қилди.

• Эронда террорчилик ҳаракати содир этилди. Яқшанба кун кечкурун пойтахт Техронда бир вақтнинг ўзида уч марта портлаш юз берди. ПАТА-ТАСС хабарига қараганда, портлашлардан бири имом Ҳусайн майдонида амалга оширилган. Оқибатда икки киши қурбон бўлган ва уч киши оғир жароҳатланган.

• Суд маслаҳатчилари қўшиқчи Майкл Жексонни бутунлай оқлади. Калифорниянинг Санта-Мария шаҳар судида 46 ёшли хонандага қўйилган барча 14 банддан иборат айблов асоссиз деб топилди.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир Кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**КўСА**  
Кўчалар

● **БУГУН** Бектемир туман марказий кутубхонасида 289-мактаб билан ҳамкорликда ёшлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек туманидаги 54, 187, 256-мактаблардаги ёзги оромгоҳларда дам олаётган кўчанин «Умид» спорт-соғломлаштириш мажмуасида «Нептун» сувда сузиш байрами тадбирда иштирок этди. Мазкур тадбирда 300 нафарга яқин спортсевар ёшлар катнашди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент шаҳар 1-сон «Никоҳ уйи» ташкил этилганлигини 40 йиллиги муносабати билан уюштирилган тантанали маросим Сихат-саюматлик йили ҳамда мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА**дан Мирзо Улугбек туманидаги 105-мактаб-интернат худудида ота-онаси, қаровсиз болалар учун ташкил этилган ёзги оромгоҳ фаолият бошлади. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан оромгоҳга стол теннис тўхта этилди.

● **КЕЧА** «Кўйлик» дехон бозори очилди. Акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман Кенгаши томонидан уюштирилган семинар «Ёз фаслида тарқаладиган юкмули касалликлар ва уларнинг олдини олиш» деб номланди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги 268, 284-мактаблар қоида ташкил этилган болалар оромгоҳларида «Табиятни асрайлик», «Бахтли болалик» мавзуларида асфальт ва қорғоғ расм чизиб бўйича кўрик-танловлар ўтказилди.

● **ЎТГАН** кундан «Камолот» ЁИХ Яққасарой туман Кенгаши ташаббуси билан 160-мактаб қоида ёзги оромгоҳ фаолият бошлади.

● **МИРЗО** Улугбек информатика касб-хўнар коллежида бўлиб ўтган йиғилишда «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Тошкент экологияси жамоатчилиги иштирокида шiori остида «Менинг уйим-менинг шаҳрим» танловини эълон қилди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги 110-мактаб қоидадаги «Бойчаечак» оромгоҳида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан сардорлар иштирокида уюштирилган семинар йўл ҳаракати қоидаларига бағишланди.

● **ХАЛҚ** таълими вазирлиги қоидадаги «Биозосан» ёшларнинг ўқув-услубий мажмуасида бўлиб ўтган анжуман «Табият: кеча, бугун, эртага» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент трактор заводи давлат акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган «Аёл ва дунё» мавзуларида тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Маънавият куни» тадбири доирасида «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Миллий тикланиш партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида талабалар, профессор-ўқитувчилар ўртасида миллий кураш, тош кўтариш, арқон тортиш, эстафетали югуриш бўйича «Эркин элнинг қанотлари» деб номланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати ва ўз**  
**мухбирларимиз**  
**хабарларидан.**

**Ўзбекистон — Россия:**

**СТРАТЕГИК**

**ҲАМКОРЛИК — АМАЛДА**

Ўтган йилнинг июнь ойи Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим воқеаларга бой бўлди. Мамлакатимиз Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарларига мезbonлик қилди. Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) саммити бўлиб ўтди.

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномага имзо чекканига бир йил тўлади. Бу шартнома Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатлари йўлида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилгандир. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда - сиёсий, савдо-иқтисодий, иجتимоий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий йўналишларда муносабатларни яқин шериклик даражасига кўтариш учун мустақам пойдевор қўйилди.

Эндиликда Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро ҳавфсизлиги таъминлаш, халқаро террорчилик ва халқаро миқёсдаги турли бошқа таҳдидларга қарши туриш, минтақавий барқарорлигини мустақамлаш йўлидаги кўшма саъй-ҳаракатлари, ҳамжиҳатлиги расмийлаштирилган. Шартнома икки мамлакатнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини ҳам кўзда тутди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доираси ҳарбий мақсаддаги маҳсулотларни етказиб бериш, ҳарбий техникани замонавийлаштириш, кадрлар тайёрлаш, қўшма ҳарбий машқур ўтказиш, давлатлараро фазони тадқиқ этиш дастурларини ишлаб чиқиш масалаларини қамрайди.

Шартномада савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан, булар сирасига ёқилғи энергетика мажмуи, самолётсозлик, транспорт ва коммуникация, банк соҳаси ва бошқалар кирди. Шу ҳужжатга мувофиқ, томонлар ўзаро сармоявий лойиҳаларда ва хусусийлаштириш жараёнларида катнашиш учун бир-бирига имкон қадар кенг кулайликлар яратди.

Шу тариқа давлатларимиз ўртасида стратегик шериклик учун барча асослар тайёрланди. Ўтган йили олий даражадаги-сиёсий мулоқотлар анча фаоллашди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин икки томонлама таширфлар ва халқаро анжуманлар доирасида етти марта учрашдилар. Йил давомида Ўзбекистонга Россиядан турли мақомдаги 32 делегация таширф бўурди.

Россия ишбилармон доираларининг Ўзбеки-

стондаги фаоллиги ҳам ортди. «Газпром», «Лукойл», «Союзнефтегаз», «Российские железные дороги» каби йirik компанияларнинг, Россия Федератив субъектларининг раҳбарлари Ўзбекистонда самарали мулоқотлар ўтказдилар. Айниқса, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» очик акционерлик жамияти ўртасида имзоланган битим диққатга сазовордир. Янги нефт-газ конларини разведка қилиш ва ўзлаштиришни, соҳага бир миллиард АҚШ доллари миқдориди сармоа киритишни кўзда тутувчи бу битим ўтган йилнинг июнида имзоланган эди. Ноябрь ойида эса лойиҳанинг ижросини бошлаш тўғрисидаги протокол имзоланди ва амалий жараёнга киришилди.

«Ўзбекнефтегаз» билан «Газпром» очик акционерлик жамияти ўртасида ҳам изчил ҳамкорлик қарор топган. Улар ўртасида тузилган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Умуман олганда, ёқилғи-энергетика мажмуини Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий муносабатларининг етакчи бўғини дейиш мумкин.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотик, телекоммуникация, сурғурта, банк соҳаларида ҳам ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Россия сармояси иштирокида тузилган 350дан зиёд қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, электротехника, машинасозлик сановатида, халқ ҳўжалигининг кўплаб бошқа муҳим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Россиянинг «Зарубежнефтегаз», «Лукойл», «Союзнефтегаз» каби жами 60 йirik компанияси Ўзбекистонда ваколатхона очган. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистоннинг вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Россия ўзаро муносабатларини Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг Тошкент учрашувида эришилган келишувларга мос тарзда ривожлантирмоқда, стратегик шериклик шартномасини изчил ҳаётга татбиқ этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**

15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда акредитация қилинган хоржий дипломатик корпус вакилларида иборат ишчи гуруҳининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

**ИШЧИ**  
**ГУРУҲИНИНГ**  
**ЙИГИЛИШИ**

Унда ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон ҳукумати томонидан Андижондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Бош прокуратура ва Андижонда содир этилган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлис комиссияси вакиллари билан мазкур гуруҳнинг биринчи йиғилишида баён этган маълумотлари юзасидан фикр алмашдилар.

Йиғилишда ишчи гуруҳи фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар билдирилди ҳамда унинг июнь ойига мўлжалланган иш режаси маъқулланди.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг фикрича, олиб борилаётган текшириш ишларининг парламент ва дипломатик корпуснинг икки мустақил комиссиялари томонидан мониторинг қилиниши Андижон воқеаларига ҳолисона ёндашиш ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамда ҳўқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг ҳаракатларига тўлиқ ҳўқуқий баҳо бериш имконини яратди.

Илгари ҳабар қилинганидек, мазкур гуруҳ ишида Хиндистон, Эрон, Хитой, Покистон, Россия ва кўшни мамлакатлар дипломатик миссияларининг вакиллари иштирок этмоқда.

ЎЗА

*Иқтисоқий*

**БУЮРТМАЧИЛАР МАННУН**

«Агрегат заводи» очик турдаги акциядорлик жамияти жамоаси сифатли, рақобатбардош, ишлатишда қулай маҳсулотлари билан буюртмачиларни мамнун қилмоқда.

— «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси таркибига кирувчи корхоналар орасида мазкур заводимиз мана 5 йилдирки, ўз макени тиклаб олди, — дейди корхона бош директори ўринбосари Нуриддин Баратов, — бунга эса биз цехларимизни таъмирлаш, эскирган дастгоҳ ва ускуналарни янги, хоржий замонавий техникалар билан алмаштириш эвазига эришдик. Булар Германиянинг жаҳонга машҳур «LIBHER», «LORENTS» ҳамда «Houdton Durferit» фирмаларининг юксак унумли техникалари бўлиб, улар ишчи-хизматчиларимизнинг ҳақиқий кўмакчиларига айланган. Қувонарлиси, икки йилдан буён ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли ошиши ҳисобига ишчи-хизматчиларнинг маошлари ортди, корхонанинг соф даромади салмоқли бўлмоқда.

Бугунги кунга келиб жамоа аҳли республикамизнинг қишлоқ ҳўжалик ҳодимларига қиммий ўғитларни сочадиган «ОВХ-600», «ОШХ-12-1А» ер ҳайдашга мўлжалланган «Multi-Master 150 T», «HR-3002D», «DC-300», «GMD-700» машиналарини буюртмалар асосида ўз мuddатларида етказиб бермоқда. Шунингдек, корхонада жаҳонга машҳур «KUNN» ҳамда Италия давлатининг дунёдаги етакчи ҳисобланган «AGRIMONDO» фирмаларининг «HORIZON» туркумли пурақигиларини ҳамда рақобатбардош «ОВМ-1500» тиркамаларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, корхонанинг сифатли маҳсулотларидан ҳисобланган «НШ-10», «НШ-32», «НШ-50» шестерни насослари, «1МЦ2С80-45», «1МЦ2С100-142» русуми-

даги мотор-редукторлар тайёрланиб, мижозларга етказилади. Шуниси эътиборлики, жамоанинг етакчи мутахассислари ҳамда малакали ишчилари ҳамкорлигида ҳозирда машина ва тракторлар учун 200 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ички бозоримизни чуқур ўрганиши асосида корхона тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида кўплаб турдаги харидоргир халқ истеъмолчи моллари яратилди. Улар бугунги кунда жамият ишчи-хизматчилари меҳнати тўғрисида ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулотларнинг 25-30 фоизини ташкил қилмоқда. Қувонарлиси, «Агрегат»чиларнинг ишлатишда жуда қулай бўлган 765 миллиметрлидан 2400 миллиметрғача бўлган «ЛБС» русумли нарвонлар, болаларнинг уч гилдиракли велосипедлари, самokatлари, телевизорлар учун таглик, йиғма табуреткалар, уй шароитида консервациялашда қўлланиладиган машиналар нафақат пойтахт, республикаимиз, балки унинг ташқарисида ҳам талаб катта.

Узоқ йиллардан буён Россия давлатидан келтирилган насос ҳамда мотор-редукторлар заводда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уларнинг сифатли, чидамлилиги жиҳатидан хорижикидан ҳечам қолишмайдиган, асосийси эса нарҳларининг нисбатан арзонлиги иқтисодиётимизга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мазкур жамоа аҳли узоқни кўзлаган ҳолда узоқ йиллардан буён «Агромашсервис» маркази ҳамда турдош корхоналар — «Ўзқишлоқмаш», «Тошкент трактор заводи»

ҳиссадорлик жамияти, «Тошқишлоқмаш», «Чирчикмаш» заводлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Корхона цехидаги «FMSP-500» русумли технология линия алоҳида эътиборга лойик, чунки унда машина, корпус деталларига сифатли ишлов берилади. Бу технология операция юксак даражада аниқлик билан бажарилади. Ушбу техникалар компаниятерлар орқали ишлаб чиқарилади. Жамоа аҳли юртимиздаги кўплаб корхоналардан шартнома асосида маҳсулотларига ишлов беришни йўлга қўйганлар.

Жорий йил бошдан жамоа аҳли сув насослари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Улар вилоятларнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамда пойтахтда коммунал ҳўжалиги тизимида кенг қўлланилади. Ҳозирғача 400 та шундай маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Йил охиригача корхонага хоржий тоқарлик ҳамда силликлаш дастгоҳлари келтириб ўрнатилиши режаланган. Янги технологиялар ёрдамида янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам ортаверади, албатта.

**МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
**СУРАТДА: корхонага ўрнатилган замонавий дастгоҳлар.**



## Маши

ТИББИЙ  
ПЕДАГОГИКАДАН  
САБОКЛАР

Бугунги кунда тиббий педагогика ихтисослигига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли мавжуд йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашга эҳтиёж кучаймоқда.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида республикада биринчилардан бўлиб бу хайрли ишга қўл уриди. Дастлаб Давлолаш факультетида касбий таълим йўналиши бўйича тиббий педагогика бўлими очилди. Орадан кўп ўтмай бўлим факультетга айлантирилди. Умумий амалиёт врач ҳамда педагог ўқитувчилар тайёрлаш билан шуғулланган бу факультетда бакалаврият босқичи бўйича таълимий жараёнлар амалга оширилмоқда.

Психологик-педагогик йўналишдаги қатор фанлар ўқув дастурларида ўрин олди. «Педагогика», «Психология» билимлари қаторида талабалар «Тиббий психология» дан ҳам малака ҳосил қилмоқдалар.

Мутахассислик фанлари бўйича уюштирилган клиник кафедраларда ташкил этилган амалиёт жараёнлари ҳам тиббий педагогикани пухта ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТЕМИРҲУЛЧИЛАР  
БИЛАН МУЛОҚАТ

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳаракат таркибларида қатор муҳим аниқликлар юзага келди. Четдан олиб келинган транспорт воситалари тури кўпайди.

Хитойда ишлаб чиқарилган электровозлар ҳаракатланиши ҳам йўлга қўйилди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа жараёнлар Тошкент темир йўл транспорт муҳандисларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Шу муносабат билан олий ўқув юртида компаниянинг раҳбар кадрлари билан давра суҳбати уюштирилди. Бу сафарги учрашувда компания электр таъминот маркази ҳамда локомотивлардан фойдаланиш бошқармасидан етакчи мутахассислар қатнашиб талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Суҳбат чоғида жорий қилинаётган янги техника ва технологиялар, ёш мутахассисларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам гап борди. Темир йўлни электрлаштириш ва янги электровозларнинг истиқболлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотларга эга бўлдилар.

КЎПЧИЛИК  
ЭЪТИБОРИНИ  
ТОРТМОҚДА

Республикамактабларида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарсларини йўлга қўйишда тажрибадор ўқитувчи Турғун Азларовнинг ҳам хизмати катта бўлди. У Тошкентдаги 40-ўрта мактабнинг моҳир математика ўқитувчиси сифатида бу хайрли ишга яқиндан бош қўшди.

Унинг қўлида тахсил олган иқтидорли ўқувчилардан бир нечтаси компьютер саводхонлиги бўйича ўтказилган республика олимпиадаларида голибликни қўлга киритди. Иزلанувчан педагог тавсия этган ихтисослашган синфлар сонини орттиборди. Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг кибернетика институтида очилган информатика синфлари ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Устоз педагог тадқиқотлари асосида қатор ўқув-методик қўлланмалар юзага келди. Унинг Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Саодат ҚОСИМОВА  
Тош МУ талабаси.

Темирўлар тарихи давлат музейида «Темир тузуклари» китоби янги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда ўзучилар, тарихчи олимлар иштирок этди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» НИНГ  
ЯНГИ НАШРИ

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда боқий анъаналаримиз ва қадриятларимизни улуғлаш, буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Истиқлол туғайли Амир Темур шахси Ватан ва миллатимиз тинчлигига айланган.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари қўйётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори — Сохибқирон руҳи бизга хамроҳ.

Айни пайтда халқимиз, айниқса, ёшлар онгига юртга садоқат, аждодлар хотирасига эҳтиром, фидойилик туйғуларини чуқурроқ сингдиришда Темир ва темирўлар маънавий меросининг аҳамияти катта. Сохибқирон ҳаёти ва фаолияти, шахсиятини янада тереңроқ англашда унинг асарларини чуқур ўрганиш муҳим ўрин тутди. Бу борада Амир Темур халқро хайрия жамғармаси томонидан қайта нашрга тайёрланган «Темир тузуклари»нинг аҳамияти каттадир.

Янги нашрнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, китобда Сохибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид янги маълумотлар киритилган.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида кўпмунгун ҳақида чоп этилган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Диккай: аниқлик!

«ТАЛАБА» КЛУБИ ИШ  
БОШЛАДИ

Келажакимиз ворислари — ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бўлачқани.

Шу боис ҳам кейинги йилларда ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни янада омдалаштириш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаблар, ўрта махсус касб-хунар муассасалари, олий ўқув юртиларида спорт мажмуалари қурилиш фойдаланишга топширилмоқда, спорт клублари ташкил этилмоқда, турли хил мусобақалар уюштирилмоқда. Бу қувонarli хош албатта. Тошкент Кимё-технология институтида ҳам бу борада қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий спорт мажмуасига эга бўлган мажмуа илм муассасалари, олий ўқув юртиларида спорт клубининг армуғон этилиши айна мудоаа бўлди.

Шуниси эътиборлики, спортни омдалаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу клубда талабалар учун барча шароитлар муҳайё.

Қизиғи, мутахассис ўқитувчилар ёрдамида талабалар эндиликда «Талаба» клубига аъзо бўла бошлади. Сабаби, спортнинг шахмат, шашка, волейбол, футбол, стол тенниси, баскетбол, мини-футбол турлари талабаларга пухта ўргатилади.

Дарвоқе, айни кунларда факультетларга мусобақалар ҳам қизгин паллада. Институтининг талаба-ёшлари, қизлар, ўқитувчилар ўртасида волейбол, шахмат, стол тенниси мусобақаларига старт берилган.

Хозирда «Талаба» клуби аъзолари Наврўз аймаги тайёргарлики бошлаб юборишди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни акс эттирувчи, кишиларга ўзгача кайфият бадишловчи Наврўз айёми кунларида Тошкент Кимё-технологиялари институтида талабалар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштирилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР  
КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қизил Ярим Ой ва Қизил Ҳоч ташкилоти, Халқаро қон донорлари жамиятлари федерацияси, Қон қуйиш Халқаро жамиятининг тақлиғида Биноан 14 июнь Халқаро қон донорлари куни сифатида кенг нишонлиб келмоқда ва айни кунларда ушбу санага бағишланган тадбирлар Тошкент шаҳрида ҳам давом этмоқда.

1900 йилда қон гуруҳларини аниқлашган веналик бактериолог олим, Нобель мукофоти совриндори Карл Ландштейнернинг таваллуд куни айнан шу кун танланганининг сабабидир.

Донорлар кунини махсус сана сифатида нишонланиши кишиларнинг донорларга бўлган миннатдорчилиги, уларга бўлган ҳақ эътибори, ҳурмати билан белгиланади. Хунки, донорлик меҳр-мурувват, саховат демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда қон ва ундан олинмаган препаратлар тайёрлаш учун ишлатиладиган сунъий манба йўқ. Ана шу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори, профессор Шавкат Қосимов. — Ҳозирги пайтда донорларнинг айниқса, бадалсиз қон топирувчи донорларнинг сонини қанча кўп бўлса қон ва унинг препаратлари ҳам етарли даражада бўлади. Бу эса минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Маълумки, қон киши ҳаётида, унинг организмнинг рицоладагидек ривожланишида муҳим ўрин тутди. Қон суюқ тўқима бўлиб, тананинг етти физиоини ташкил қилади. Қоннинг ҳужайра қисми асосан қислородни ташиш вази фасини бажаради. Донор ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт учун ихтиёрий равишда берувчи киши ҳисобланади. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг асосий тамойиллари унинг ихтиёрийлиги, қон топирувчи учун зарарсизлиги, у топираётган қондан фойдаланиш хавфсизлигига асосланади.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида мамлакатимизда қон хизматини янада ривожлантириш, бадалсиз қон топирувчи донорлар сонини кўпайтириш масалаларига кенг ўрин берилган. Республикаимиз, қолаверса, пойтахтимизда халқаро донорлар кунини нишонлашга Сихат-саломатлик йилида алоҳида тайёргарлик қўрилди.

14 июнь куни «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасига шахримиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларидан қон топириш учун бирин-кетин тиббиёт ходимлари кела бошладилар.

Донор бўлиш хайри ва савоб ишдир. Маълумки, донорлик икки тоифага бўлинади.

Биринчиси доимий донорлар бўлиб, булар бир йилда тўрт мартагача қон топириш туришади. Улар қон қуйиш станцияларида рўйхатда турадилар ва хар олти ойда тиббий қўриқдан ўтадилар, улар давлат томонидан рағбатлантирилиб борилади. Маълум мuddат давомида мунтазам равишда йилга тўрт мартадан қон топиришган кишиларга «Ўзбекистон фахрий донори» кўррак нишони топирилади. Донорларнинг иккинчи тоифасига беморларнинг қариндос-уруғлари ва ўз хоҳиши билан қон топирувчилар қиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қон хизмати, уни такомиллаштириш масалалари бугунги кунда давлат аҳамиятига молик масалаларга айланмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Сувелана Иномова раҳбарлигида «Қон — инсон хизматида» Халқаро хайрия жамғармасининг ташкил этилгани ҳам далил бўла олади. Жамғарманнинг асосий мақсадлари қилиб бадалсиз қон топиришни кўпайтириш, ташкилот ва муассасалардан тушган ҳоимийлик ёрдами асосида қон хизматини янада такомиллаштириш қилар

ТАЖРИБА АЛМАШИБ  
ҚАЙТИШДИ

Серкўёш Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан бери фан-техника соҳаларида қўллаб хорижий мамлакатлар тажрибаларидан андоза олиш, малака ошириш каби ишлар амалга оширилди. 2004 йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз олий ўқув юртиларидан 20 нафар ўқитувчиларнинг Москва Давлат университетида малака ошириб келгани юқоридаги фикримизнинг аққол исботи бўла олади. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, республикаимизда фаолият олиб бораётган «Истеъдод» жамғармасининг бевосита ҳоимийлигида М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида «Ўтиш давридаги жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари» дастури бўйича ўз малака ва билимларини оширишга муваффақ бўлди, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети «Услубият ва тахрир» кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Муқаддас Ҳолиқова биз билан сафар таассуротлари ҳақида ўртоқлашиб.

— Бундан ташқари, гуруҳнинг барча аъзолари ўз мутахассисликлари бўйича факультетларда бўлдилар. Мени ҳам 6 нафар журналист-педагоглар қатори МДУ журналистика факультетида тақлиф этишди. Бизни журналистика факультети декани Ясен Николаевич Засурский илик қутиб олди. Журналистика факультети М. Ломоносов даврида қурилган университетнинг илк биноси бўлиб, у нафақат зиё маскани, балки буюк санъат асарига ўхшайди.

Сафаримиз айнан Москва Давлат университетининг 250 йиллик юбилеи арасигага тўғри келди. Шу муносабат билан МДУда юбилеига қизгин тайёргарлик ишлари: турли илмий кенгашлар, анжуманлар, конференциялар ўтказилаётган экан. Университет ўқув биноси ҳам пардозлаш ишлари туғайли байрамона тус олмақда. Аммо ҳайратланарлиси шунки, барча таъмирлаш ишлари университет биносининг қадимий архитектурасига, унинг эртанамо қиёфасига ҳеч бир пурут етказмаган ҳолда олиб борилаётган эди. Бинога кираверишдаги эшикдан тортиб, университет биносининг анжомларига ҳам одамда ажиб қизиқиш уйғотди. Баъзи бир XXI аср цивилизацияси меваси бўлиши телефон, телевизор ва компьютерларни ҳисобга олмаси, киши бинода XVIII аср руҳиятини хис этади.

Талабаларнинг университет йўлақларида ўнлаб китобларни кўтариб юрган қўлатидан, зиналарда ўтириб олиб мутолаа қилишдан, хотубона ва китоб дўканларида гавжумлигидан уларнинг изланувчанлигини кузатиш мумкин. Университет профессор-ўқитувчиларига қўйиладиган талаблардан бири чет тилини мукаммал билиш экан. Сабаби уларнинг кўпчилиги Англия, Франция, Германия каби йирик мамлакат университетларида шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича маърузалар ўқишар экан. Биз ўзбекистонликларга ҳам МДУнинг етакчи олимлари дарс ўтишди.

Дилдора РИЗАЕВА

белгиланган.

Қон ва қон махсулотларини ишлаб чиқариш, улар билан соғлиқни сақлаш муассасаларини таъминлаш борасида Тошкент «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Биз, — дейди Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев қон топира туриб, яқинда ташкил қилинган «Қон — инсон хизматида» Халқаро хайрия жамғармасининг муассисларидан биримиз. «Қамолот»чилар қоннинг инсон ҳаётидаги, унинг саломатлиги учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши идрок этади. Уйлаймизки, бизнинг ташаббуси ёшлар томонидан қўллаб-қувватланади.

— Қон хизмати ҳақида гапирадиган бўлсак, донорлик айниқса бадалсиз донорлик қўллаб мамлакатларда муаммолигича қолиб кетмоқда, — деди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Арун Нанда. — Мамлакатимизда қон хизматини ташкил қилиш давлат аҳамиятига эга масала сифатида қараб келинаётгани жуда муҳимдир. Менга «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида қон олиш, қон препаратларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнлар жуда маъқул бўлди. Ишончим комилки, ушбу корхонанинг келажаги порлоқ. Демак инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ушбу масалада муаммолар юзага келмайди...

Шавкат ЁҚУБОВ

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

● **Ватан нима демак?** Бу — ўзининг тарихий ҳаракатини мазкур майдонда камолга етказадиган бус-бутун халқдир. Бу — халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдир. Бу — унинг ранг-баранг маданияти, тили, характери ва шунингдек, унинг томонидан амалга оширилган иқтилобий мақсад, тарихий ўзгаришлар ҳақидаги муҳим босқичлардир.

● **Ўз Ватанингни фарзанди бўл,** қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, улдан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар.

● **Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,**

Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

● **Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанин севмоқ,** бу муқаддас бурчдир.

● **Ҳар бир олижаноб шахс Ватан**

## ВАТАН ТУЙҒУСИ МУҚАДДАС

билан ўзининг қондош алоқасини, жондошлигини теран ҳис қилади.

● **Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанига меҳр кўйишдан иборатгина эмас.** Бу жуда катта ҳис... Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш. Унинг яхши-ёмон кўнларида асқошиш демакдир.

● **Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқга муҳаббатни туфайли эзгуликлар тугула, жонини ҳам аямайдиغان инсондир.** Халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

● **Соф виждонли кишида ватанпарварлик, ўз Ватани фойдасига меҳнат қилиш иштиёқидан бошқа нарса бўлмастаси керак ва бу бошқа бирон нарсадан эмас, балки иложи борича кўп ва хўп эзгу ишлар қилиш истагидан келиб чиқади.**

● **Ватанпарвар — Ватанга хизмат қилаётган кишидир, Ватан эса бу авваламбор халқдир.**

● **Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.**

● **Ўзининг Ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қилсан.**

● **Ким Ватанин хор қилса — у оиласидан айрилади.**

● **Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу Ватанга хиёнатдир.**

● **Ватанпарварлик — номусли ва назокатли туйғудир... Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси, унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил.**

● **Агар ҳаёт гўзаллиги ҳақида сўз борадиган бўлса, Ватан учун курашда фидоқорлик кўрсата билиш гўзал ҳаётнинг энг юксак намунаси.**

● **Ҳарқалай, энг муҳими — Ватанга муҳаббатинг, муҳаббатинг ва яна муҳаббатингдир! Бинобарин, шу муҳаббат сенга куч-қувват беради, қолган ҳаммасини ҳам осонгина ҳал қилсан.**

● **Ким халқ билан унинг қайғусини баб-баравар бўлашиб олмаса, унинг шодлик байрамда ўзини хўрланган ҳис этиши шубҳасиздир.**

● **Кимки, умумий фалокат дақиқаларида Ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир ҳаёлга борса, у озод давлатда яшашга ҳақли эмас.**

**Инсон табиати қизиқ. Бир яхши, бир ёмон нарса унинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Мана бир неча ҳафта бўлдики, ҳамон хаёлимиз Андижон воқеалари билан банд, у кундан кунга, тилдан тилга ўтиб турибди. Табиийки, бу воқеали воқеалар оммавий ахборот воситаларининг эътиборидан ҳам тушмай келяпти. Аммо бу масалага ким ҳолис, ким ноҳолис ёндошаётгани ҳам рўйи рост кўриниб турибди. Бу ахборотларни ўқиб, уларни таҳлил қила туриб «Кўрғани эшитган энгар экан» деган ибора анча тўғри айтилганига ишонч ҳосил қиласан киши. Сабаби бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Андижон аҳолиси ва у ерда бўлган кишиларнинг бу масалага муносабати бошқа, аммо бу ҳақда орқавордан эшитган, кимларнингдир бўрттириб бичиб-тўқиган, турли миш-мишларга суяниб, нотўғри ахборот тарқатаётган баъзи чет эл журналистларининг бу мавзуга ёндошишлари бошқача. Бу бир-бирига зид турли хил ахборотлар ҳар қандай виждонли кишини ўйлашга мажбур этади.**

Шу ерда ўз-ўзидан: «Хўш, бу уйдирма маълумотлар билан одамларни чалғитишдан мақсад нима ўзи?» деган савол туғилади. Ваҳоланки, Юртбошимиз 14 май куни чет эл оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказган йиғилиш ва уларнинг саволларига берган аниқ ва лўнда жавоблари, 17 майда шу журналистлар ва дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманидан кейин барча саволларига батафсил жавоб олган, ҳатто уларнинг кўпчилиги Андижонга бориб воқеалар билан танишган, маҳаллий аҳоли билан учрашиб, яккама-якка сўхбатлашган бўлсалар-да, (энди бу кўрганни эшитган эмас) ҳамон ҳақиқатга зид бориб, оддий норозилик намойишига чиққан «тинч фуқаролар» ҳақидаги тахминни чаплаш билан оворадирлар. Ўз-ўзидан аёнки, далилларни бузиб кўрсатишдан мақсад бу сиёсий ўйинларда энг аввало Ўзбекистон ва унинг раҳбариятини ягона айбдор қилиб кўрсатишдан иборат. Ушбу ахборот хуружини ташкил этган кимсалар Фарбдаги тингловчиларнинг эътиборига бўҳтон ва уйдирма маълумотларни етказишни олдиндан режалаштириб олганликлари шундан ҳам яққол билиб турибди.

Бу ҳақда пенсионер Анфим Хлизовнинг «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» деган мақоласида ҳам рўй-рост айтилди.

Баъзи чет эл ахборот воситаларида баён этилишича, вилоят ҳокимлиги биносига ўрнашиб олган жангариларнинг бошиқлари билан 13 май эрта тонгдан бошланиб, кечгача давом этган музокаралар ҳам бўлмаган эмиш. Андижон шахрининг ўз аҳолидан норози аҳолининг «тинч намойиши» ўққа тутилган эмиш.

Ахир, бу мудҳиш воқеалар содир бўлган куни эрта тонгданок Президент Ислоҳ Каримов Андижонга етиб борганлиги, вазиятни барқарорлаштириш учун ҳамма чоралар белгилаганлиги қайта-қайта айтилди, барчанинги ўзи бунга шохид бўлди. Ҳатто жангарилар билан олиб борилган музокаралар давомида уларга ҳеч ким тегмаслиги, қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида, уларга тинч йўл билан машиналарга ўтириб келган жойларига қайтиб кетишлари тақлиф этилди-ку? Улар эса ўртага халқроқ ҳўқуқ қондаларига тўғри келмайдиган ҳолат-

ларни тикиштиришди. Нега биз юқорида қайд қилиб ўтган чет эл ахборот воситаларининг вакиллари бу ҳақиқатни бузиб кўрсатишдан тойишмади? Президентимиз таъбири билан айтганда «Муסיқани ким пул тўласа, ўша танлайди». Хўлбуки, сен кўпроқ валюта ишламоқчимисан, тезкорлик билан шунга яраша шов-шувли ахборот бер.

Бу эски усул. Бориб турган найранг. Шу ўринда Андижон воқеалари аҳолини «тинч намойиши» деб атаётган кимсаларга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдик. Қани айтингчи, ахир «тинч намойиш»га чиққан аҳоли ярим тунда қўлида қурол билан кўчага чиқадими, ўқотар қуролларни қўлга киритиш мақсадида, ўз вазифасини ўтаётган аскар ва милиция ҳодимларини отиб ташлаб, истаганча хунрезлик кўрсатиб, болалар ва тинч аҳолини гаровга оладими? Маданият ўчоғи бўлган театр биносини ёқиб, вилоят кўрки бўлган ҳокимлик биносини тажовуз билан қўлга киритиб, у ерда истаганча тартибсизликларни амалга оширадими? Келинг яхшиси воқеаларни ўзимизча бўяб-бежамайликда, уларни ўз номи билан атайлик. Кўриб-билиб турибсиз улар сиз айтган «тинч намойиш»чилар эмас, балки, ашаддий террорчи ва жиноятчилардир.

Зеро, ушбу фожеа қурбонлари ишончли ҳужжатларга таяниб аниқ рақамлар билан айтилган бўлса-да, баъзи хорижий журналистлар томонидан уларнинг сони ҳам бир неча бор ошириб кўрсатишга уринилди. Шу ерда яна бир гапни айтиб ўтишга тўғри келади. Чет эл журналистлари Андижон воқеаларини ёритишда «Акромийлар» деб аталган гурўҳ номига алоҳида урғу бераётганлари ҳеч кимга сир эмас. Келинг, шу ўринда бу оқим тўғрисида қисқача маълумот бериб ўта қолайлик. Аслида ҳам Андижонда қон тўкилишига сабабчи бўлган мана шу диний оқим намояндalари. Хўш, бу қандай оқим, у қачон ва қаерда ташкил топган? Уларнинг мақсади нима? Уларнинг раҳнамоси 1963 йилда Андижонда туғилган «Ҳизб-ут-Тах-

рир» голяри асосида заҳарланиб улгурган Ақром Йўлдошевдир. У дастлаб «Ҳизб-ут-Тахрир» вакилларининг ҳаммаслаги Абдурашид Қосимов билан алоқа боғлаб биргаликда иш кўради. Бора-бора улар ўртасига нифоқ тушади, амал таллашиб-тортишиб қолишади. Шундан сўнг Ақром Йўлдошев ўзи раҳбарлик қилаётган халқани «Ҳизб-ут-Тахрир»дан ажратиб олади. Бугунги «Акримийлик» ҳаракатининг асл илдизининг қисқача баёни ана шундай. Албатта, бугунги таҳликали дунёда Андижон воқеасида қўлига қурол тутган террорчилар орасида ёлгонни ширали қоғозга ўраб рост қилиб кўрсатишга уринаётган «Акримийларнинг эмига» иб қолганлар ҳам йўқ эмас. Бу хусусда ҳам матбуотларда бир неча бор такрор-такрор айтилди. Ҳатто жангарилар томонидан

фатида Андижондаги қонли фожеалардан азият чеккан одамларнинг тилидаги, дилидаги гапларни туб-тубига тушуниб етмай, балки кимларнингдир ёлгон сўзларига учиб, воқеалар ривожини ноҳолис ёритаётган чет эл журналистларининг қилмишидан таажжубдаман. Ё тавба, улар кимни қўллаб-қувватлашапти? Озод юрт ахлиними ёки бир гурўх террорчилариними?

— Андижон воқеаларини эсласам хаёлимга шу байт келаверади, — дейди ўқитувчи Фозилжон Қобилов:

**«Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр, У қалбан шикаст, у қалбан мажруҳ».**

Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилиши билан ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёдаги балиқлар ҳам ўз ошиёнларини

## ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУФ НЕЪМАТ

ҳис қиладилар. Ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар. Шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб ўсган бўлсалар, ўз жойига

камқўнадан сард этилган баъзи маҳбусларнинг масаланинг асл моҳиятига тушуниб сўнгра ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб қайта қамқўнага қайтиб борганларининг ўзи ҳам бунинг исботини кўрсатиб турибди.

Куни кеча хизмат сафари билан Андижонга бориб келган бир санъаткор дўстимиз афсус-надомат билан шундай хикоя қилди:

— Бугун Андижон санъат аҳли оғир кунларни бошдан кечиряпти. Машҳур санъаткорлар Аббос Бакиров, Қамара Бурнашева ва бошқа уларнинг издошлари учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган вилоят театрининг бугунги кўриниши ҳар қандай кишини ташвишга солади. 13 май куни Андижонда фожиаи воқеаларни содир этган жиноятчилар шу маданият ўчоғига ўт қўйишди. Томошабинларнинг семимли маскани бўлган бу муҳташам бино бутунлай вайронга айланди. Ахир бу ерда йиллар бўйи қанча санъаткорлар ижод қилишмаган. Бугун уларнинг кўпчилиги орамизда ўйқ. Бундай разил ишга қўл урган ва уларга шундай фатвои берганларни ўтган санъаткорларнинг чирқираган руҳи тинч кўярмикан? Машҳур санъаткорлар ўйнаётган роллар, умуман, ушбу театр тарихи битилган сархифаларнинг ёниб-кул бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи нақадар оғир.

Кунлар ўтади. Андижон яраси битиб кетади. Театр яна ўз ҳолига қайтади. Лекин у бошдан кечирган бугунги кун ҳеч унутилмайди. Унга қасд қилган газандаларни умр бўйи вилоят ва санъат аҳли лаънатлаб ўтади. Кўпчиликнинг тавку-лаънатидан эса ҳеч ким кўкармаган. Мен бу вайронгарчиликларни ўз кўзи билан кўрган бир санъаткор си-

бирлар кўрмай бўладими? Андижон воқеаларига ўзича таъриф бераётган хорижий ахборот воситалари ҳеч бўлмаса, мана шу фикрдан хулоса чиқарсалар бўлмайдими?

Ҳамшаҳримиз 90 ёшни қоралаётган нуруний отахон Ҳақим ота Файзиев сўзидан:

— Андижондаги хунрезликлар биз кексаларни ҳам ташвишга солди. Сабаби Ватан туйғусини бошидан неча бор урушларни кечирган биз кексалар яхшироқ биламиз. Халқимиз болажон халқ. Ўзи емай боласига беради. Уларни авайлаб-асраб катта қилади. Шундай экан, ҳамма бирдек жондан азиз фарзандини ногаҳоний бало-қазолардан ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам улар дуога қўл очганларида, тинчлик ва хотиржамлик бўлсин, турли офат, бало-қазолардан ўзи асрасин, деган ният қиладилар.

Инсон дунёга келибдики, ўзининг қисқа умри давомида одамларга фақат яхшиликни раво кўриши, яхши ва фақат яхшилик қилиши керак. Шу ўринда бир ривоят келтирай:

Нўширавон замонида икки киши бўлиб, бу икки киши Нўширавон ташкил қилган ўтиришга тақлиф қилиндилар. Улардан бири баланд овоз билан куйидаги назмни ўқиди:

**Яхшилигим қайтсин десанг сен, Яхшилик қил, яхши ўй ўйла.** Иккинчиси эса куйидаги байтни ўқиди: **Ёмонлигим қайтмасин десанг, Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма.**

Бу байтларни эшитган Нўширавон хушхол бўлди ва унга жуда ёқиб қолиб, биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам беришни, иккинчисига эса юз дирҳам беришни буюрди. Турганлардан бири Нўширавондан:

—Эй одил амир, улар байтлари битта маънога эга эди, уларга нима учун ҳар хил туҳфа бердинг? — деб сўради.

Нўширавон унга шундай деб жавоб берди:

— Сўзлашда тафовут каттадир: биринчисининг сўзи бошдан оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчиси эса фақат ёлгонлик ҳақида эслатди.

Ақлли одам қиссадан ҳиссани ўзи чиқариб олаверади.

Хулоса қилиб айтганда, Андижондаги воқеалар яна бир бор кўзимизни очди, ҳушёрликка чорлади. Кимнинг қандай эканлигини кўрсатди. Баъзи хорижий журналистларнинг юзидан никобини йиртиб ташлади. «Томингга қор ёғса ўзинг қурайсан», деган гапни яна бир бор исботлади. Бундан бир неча йиллар илгариги «Ўз уйингни, ўз маҳаллангни, ўз юртингни ўзинг асра», деган широнинг нақадар ҳаётий эканлигини кўрсатди. Тўғри йўлдан нури келажак сари одимлаётган замин фарзандлари эса ҳаммаша ўз уйи, эл ва юртини кўриқлашга, уни ёмон кўзлардан асрашга қодирдилар.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**Жаҳонда мўтабар икки неъмат бор: бири — Ватан, бири — она. Бу ёрғун дунёга келишимизга сабабчи бўлган, оқ сут бериб улғайтирган улғун зот. Ватан — кўз қорачиғидай асрамоққа ва абадий айрилмасга берилган табаррук замин.**

Мусофирлик жафосини тортганлар Ватан қадрига кўпроқ етсалар керак. Бобур, Фурқат каби боболаримиз қисмати ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ватан туйғусини Навоий бобомиз бениҳоя таъсирчан ифодалаган:

**Не наво саз айлағай булбул гулистондан жудо.**

Шундай бўлгач, яралмишларнинг энг афзали бўлган инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги мумкин? Шулар ҳақида ўйлар эканман, Андижондаги воқеалардан изтиробга тушаман. Кимларнингдир, қайсидир манфаатпарасларнинг фитналари боис беғуноҳ инсонлар қони тўкилгани юрагимни ўртади.

## БИЗ МЕТИН, ИРОДАЛИ ХАЛҚМИЗ

Мустақилликка зор эдик, нури тонг ҳам отди — истиқлолга етдик. Ун тўрт йилдирки, мамлакатимиз мустақил тарққуёт йўлидан дадил одимламоқда.

Афсуски, осойишталигимизни, мамлакатимизнинг ўзига хос тарққуёт йўлидан дадил бораётганини кўра олмаётган айрим мараз, гаразли кучлар ўз қора ниятларини амалга оширишга мудом интиломоқда.

Ҳаётий бир хулоса: аслида бир оилани бошқариш ҳам осон эмас. Бир рўзгор ташвишлари ҳам унча-мунча одамни ўйлантириб қўяди. Дунё таниган Ўзбекистондай бир мамлакатни бошқариш, миллионлаб одамлар ташвишини елкада кўтариш эса янада мураккаб. Бинобарин мамлакат қарийб бир ярим асл мустаамлака жабрини тортган, бу ҳол одамлар руҳиятида ўз изини қолдирган бир шароитда Президент Ислоҳ Каримовдай узоқни кўра оладиган раҳбарнинг аниқ концепция билан олиб борган сиёсати шарофати билангина Ўзбекистон мустақиллиги умумжаҳон миқёсида эътироф этилди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Халқимиз анойи эмас. Дуч келган ҳар қандай ганимга ишониб, орқасидан эргашиб кетавермайди. Андижон воқеалари бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади. Нафисига қўл бўлиб, ҳокимият илнжиди эл осойишталигига раҳна солишга интилган гурўҳлар, ҳақиқат ким томонда эканлигига ҳамда халқимизнинг метин иродасига таян беришга мажбур бўлди. Андижон шахрида юз берган мудҳиш воқеалар Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари томонидан қораланаётганининг ҳам боиси ана шунда.

Бу диний экстремистлар ортида мустақил Ватанимиз равнақини кўролмаган, бизнинг нотинчлигимиздан манфаатдор бўлган, ҳокимиятни эгаллаш хом хаёлидаги мудҳиш кучлар мавжудлиги барчага аён.

Ақидапарастлик, диний экстремизм ҳамда терроризмнинг қора ниятларига қарши курашда Юртбошимиз атрофияда жиғиллашди, демократия ва адолат йўлида мустақилликни мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро ёрғун манзилларга интилган қарвон асло орта чекиммас.

**Абдуғани СУЛАЙМОНОВ**

# Оила даврасида

сўхбатлар

Яқинда кундалик матбуот дўконидан газета харид қилаётиб, кўзим ажабтовур китобларга тушиб қолди. "Ие, — деб ўйлаб қолдим беҳосдан. — Энди китоблар ҳам бошқа давлатларда чиқарилаётган эканда. Узимизда ҳам замонавий босмаҳоналар, хориж дастгоҳлари бор эди-ку?!" Сотувчининг руҳсати билан китобларнинг бирини кўзимга олдим. "Ака, ютдиз!" Қизиқ, нима ҳақида ёзилган экан-а?! "Қоч, сканворд!", "Келинг, ялангоёқ

қалтироқ эмасдир, — деди сотувчи ҳам ўз навбатида. Таваккал қилиб, "Қоч, сканворд!" деб ёзилганини сотиб олдим. Бир пасда ўқиб ташладим. Ростдан ҳам қизиқ экан. Езилиши ҳам раван. Воқеалар ҳаётий, ҳам кулгили. Арачасини қайта сотиб олган бозорчи, текширувчи билан адаштирилган пианиста, телевизорда чиқиб турадиган шилқим, ўз аризасига қўра ишдан бўшай олмайётган ношуд ходим, сканвордлар ечимлайдиган ишхона қидириб юрган

## Китоб-оғитиб

### УСТИ ЭМАС, ИЧИ ЯЛТИРОҚ

юраимиз!" Тавба, — дедим ўзимга-ўзим. — Бу қанақаси? Парнография, таъкиқланган адабиётлар эмасми? Варақлаб кўраман. Йўқ. Узимизнинг ўзбегимизнинг юриш-туриши, турмуши.

— Опажон, деди шу пайт сотувчи, — манавий ерда "Қизил сумкача" деган китоб ҳам бор. Ҳикоялар тўплами. Агар у китобларни ўқишга андиша қилиб турган бўлсангиз...

— Йўқ, — дедим чиройли безатилган китобга бошдан-оёқ разм солиб. — Ҳеч қандай ноқулай жойи йўқ, фақат... Фалати бўлар экан. Сиз ўзингиз ҳам ўқиганмисиз?

— Ҳа, қизиқ Ҳикоялар, қизиқарли ҳажвиялар, латифалар. Уқинг, маза қиласиз.

— Сал қиммат экан-да, — дедим нима дейишни билмай. — Муқоваси силлиқ, қиммат қоғоз-да, опа. Шунинг учун қиммат бўлса керак.

— Аслида усти ялтироқ эмас, ичи ялтироқ бўлиши керак эди, — деб юбордим ичимдаги гапни ташимга чиқариб.

— Аввал ўқиб кўринг-чи, ичи

мутахассис, қонунни яхши биладиган йўловчи, чекувчининг икромни, бир жуфт латифа... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўз ҳаётимиздан олинган иллатлар, камчилик ва нуқсонлар. Бир нафас ўша юртдошларим, асарда қаламга олинган қаҳрамонлар билан бирга бўлгандек, уларнинг сўзларига қўлоқ осгандай, қилиқларини ўз кўзим билан кўргандек бўлдим. Ёзувчи боплабди. Мана шунақа, камчиликларни фож қилишга мурасасиз бўлиш керак. Узим ўқитувчи бўлганим учун бўлса керак, ўқувчиларимга ҳам шу китобни ўқишни тавсия қилгим келди. Ҳа, айтмоқчи, дўконда хали бу китобларнинг давоми, қолган унтаси "Ака, ютдиз!", "Келинг ялангоёқ юраимиз!", "Қизил сумкача" ҳам бор-ку. Дарвоқе, тан оламан. Китобнинг фақат усти ялтироқ эмас экан, ичи ҳам ялтироқ, маънога бой экан. Сизга ҳам маслаҳатим, Зоир Зиё деган мазкур ёзувчининг китобларини ўқиб кўринг, муаллиф айтмоқчи, сиз ҳам ютасиз!

Феруза ТўРАХЎЖАЕВА,  
ўқитувчи



## ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Пиру бадавлатларимиз бўлган кексаларни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос фазилат ва азалий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бежиз айтилмайди. Негаки юзларидан нур ёғилиб турган соҳоло оппоқ нуруний отахону, оқ доқа рўмол ўраган мунис ва мушфиқ доно бувижонларимиз билан хонадонларимиз ҳаммаша обод ва файзлидир. Уларнинг улугвор чехраларидан, ҳар бир сўзларию панду насихатларидан бир олам маъно ўқиш мумкин. Юнусобод туманидаги Фуломмахмуд Абдулаев номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган, қўша қариб фарзандлари, набиралари эъзозида ҳамда маҳаллада хурмат-эътиборга лойиқ бўлган пиру бадавлатларимиз Жало-

лиддин ота Аъзамов ҳамда Муҳтабар аянинг оилаларига кўпчилик ҳавас қилади. Улар 47 йил ахил ва тотув турмуш кечириб, тўрт фарзандларига яхши тарбия бериб, одоibo ахлоқи, зиёли инсонлар қилиб қамолга етказишди. Бугунги кунда уларнинг орзу хавасларини қўриб, 15та набира, 3 та эваралари даврасида қарилмак гаштини суришмоқда.

СУРАТДА: Жалолиддин ота ҳамда Муҳтабар ая оила даврасида мустақил замонамиздан мамнун ҳолда шукроналар билдиришмоқда.

Тўлқин Каримов олган сурат.

Бугун тўй. Азим ҳали кушларнинг чугури оламни тутмасдан ўрнидан турди. Укаси Темур уйланыпти. Кетма-кет уйдагилар уйғона бошлади.

рингин. Ахир сендан кўнглим тўлмаса ўн беш йил сабр қиларимиди. — Кечиринг, Азим ака. Мен сизнинг сабр-тоқатингиз олди-

яти унчалик чоғ эмасди. У хотини билан бўлиб ўтган сўхбатдан таъсирландимки ёки бошқа сабабми босиб-босиб ароқ ичарди.

Тўй охирида ёр-ёр садолари остида келин-куёв гўшангага йўл олди. Азим эса ўта маст холда бўлсада, ўз ёрининг олдида, Раъно ётган уйга юра бошлади. Унга синглиси қараб ўтирган эди. Азим эшикни очиб ичкарига кириши билан Раънонинг синглиси Гулнорнинг йиғиси даҳшатли чинқирокча айланди. Чунки Раъно жон таслим қилган эди. Азимнинг боши беҳосдан чайқалгандай бўлди.

Яна навбатдаги тонг отди. Аммо бу тўй эмас, аза тонги эди. Тонг сахарда Раънони абадий макон аталмиш қабристонга қўйиб қайтишди. Азим эса бу айрилиқни кўтара олмайди, эси оғиб қолди. У фақат уй тўридаги ўзи ётган бешикчи у ёқдан бу ёққа кўтариб юрар:

— Раъно, ўғлимизни мана шу бешикда катта қиламиз, майлими? — дея гуднардди.  
Сарвар СОБИРОВ

## Шунақаси ҳам бўлади

### ОЛИШУВ

Хумсон қишлоғига кечки пайт етиб келдик. Дарҳол кийим-кечакларимизни алмаштириб, сўлим дарё соҳили томон ошидик. Ез жазирасида сув бўйида мириқиб дам олганга нима етсин.

Дарё сувидан пайдо бўлган сунъий ҳовузча лабидад кўноқ топдик. Ана устига малла «тўн» кийиб олган бир бақа тўдасидан айрилиб қарши томонга сузиб кетди. Шу чоқ қаердандир пайдо бўлган илон ошиқмай бака изидан тушди. У изма-из емишини кузатар, қўлай вазият топиб унга ташланмоқчи бўларди. Қутилмаган хавфдан бутунлай беҳабар бўлган бақа «қуноқ кўшиқ» айтишдан бир зум тинмасди. Ниҳоят илон унга таҳдиқ қила бошлади. Бечора бақа бир зум иккиланиб турдида, сўнг чаққон ҳаракат билан тўдаси томон ошидик. Илон барибир айёрлигини қилди. Уни домига илтириди. Бақа нажат изловчи товўшда қаттиқ қуриллади.

Бирдан бақалар тўдаси ҳаракатга келди. Улар шериклари томон ёрдамага шошланишди. Душмани ҳар томондан қўраб олишиб, унга ҳужум қилишди. Бақалар гоҳ илоннинг бошига, гоҳ бели ва думига ўрилар, қандай бўлмасин унинг домидаги беғуноҳ бақани ташлашга мажбур қилишарди.

Ниҳоят улар рақибидан зўр келишди. Илон ўлжасини ташлаб, зўр-базўр қочиб қутилди.

## АЗАГА АЙЛАНГАН ТҶЙ

ТЎҚИЛМАГАН ВОҚЕА

да таъзим қиламан. Агар бошқа эркак бўлганида... — Раъно, шу бугун, тўй кунини ўзининг қийнама, бунинг устига тобинг ҳам йўқ, Оллоҳнинг ҳам бизга атаб қўйган марҳамати бордир. Ахир айтишадиларку «Сабр қилсанг гўрадин халво битур» деб. Хали бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасан.

Сўхбат кўнга чўзилмади. Азим яна тўй ташвишига ўралашиб кетди. Раънонинг ахволи анча оғирлигини у сезмади. Чунки Раъно буни айтишни хохламаган эди. Кўз очиб-юмгунча оқшом тушиб, юлдузлар жилва қила бошлади. Ниҳоят базим ҳам бошланди. Келин-куёв даврасга таклиф қилинди. Барча хурсанд, уйин-кулгу авжида. Лекин Азимнинг кайфи-

— Азим ака, шунча йил мен билан яшаганингизга норозимисиз? — деди. — Раъно, қўйгин шу гапла-

## Шарқ дурдоналари

### ОЗ-ОЗ ҲУРГАНИЙ ДОНО БЎЛУВ...

• Анушервон бир кунни Юнондан: — Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга: — Саломат бўлиш ва хотир-жамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашдир! — деди.

• Хормус ҳақим сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарсаси шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўсқинлик қилмайсин. Ҳикмат шундай нарсаники, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

• Бузургмехр айтади:

— Билгинки, ҳақим ўз табиати билан қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мод билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўриқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишолмайдиган нарсаси учун қайғу тортмаслик.

• Уч нарса ўз сохибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир: Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг сергазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешари бўлиши.

• Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдиришмоқдир. Очкўз кишини очкўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтинги беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқчи ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суяноқ ва ҳамсўхбат бўлмоқдир.

• Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмаган, қайтар ўзингга. Кўполикни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи тўп тушмаган соғлом кўзингга. Бировнинг гийбатин қилмаган асло, Ночорлик боқмагай нури юзингга. Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг, Захар қўшмай гапир хар бир сўзингга.

• ҲИҚМАТ: Ҳақимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан қўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт: Ёлғизликдан оғир ганж йўқ ҳақонда, Ундан баттар нима? Биласанми ҳеч? Ёмон улфат билан яшамоқ эрур, Бундай кишилардан узок юру кеч!

## 2005-2006 ЙИЛГИ ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА, 2005 ЙИЛНИНГ 20 ИЮНИДАН 25 ИЮЛИГАЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИССИҚЛИК ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИ ИССИҚ СУВ БЎЙИЧА ЧЕКЛАМАН ҲОЛДА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ МЕХАНИК ЧИДАМЛИЛИК ВА ЗИЧЛИККА (ЭНГ ЮҚОРИ БОСИМДА) СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

### 20 июнь кунли

**4-ИМ** — Юнусобод мавзеси 1-6, 11, 13, 14, 17-дахалари, А. Темур, Каймаков, А. Дониш, Муродов, Юнусобод кўчалари.

**5-ИМ** — Чилонзор мавзеси 5дан 12 гача дахалари, Ц, Г9А, 16дан 20 гача, 20А, 26 дахалари, Оқтепа, Қизил Шарқ, Дўмбиробод, Гулистон турар жой мавзелари, Роҳат, С. Мираҳмедов, Нақшошлик, Новза, Қозиробод, Фарход, Чўпон ота, Муқимий, Я. Купала, Заргарлик кўчалари.

### 21 июнь кунли

**ИЭМ** — Бобур, Глинка, Афросиёб, А. Темур, А. Тўқай, Нукус, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Лоҳутий, Т. Шевченко, Шаҳрисабз, Я. Фулом, Локомотив, Х. Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, «Учувчилар шаҳарчаси» турар жой мавзелари.

### 22 июнь кунли

**7-ИМ** — «Авиақурувчилар» шаҳарчаси худуди, Гўзал-1, 2, 3, 4, 1-УҚК, Слоним-1, 2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчалари.

**ИЭМ** — Бобур, У. Носир, С. Мираҳмедов, Арнасой, Ш. Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпон ота, Ц-7 кўчалари, Рашидов шох кўчаси, Чилонзор мавзеси 1, 2, 3, 4, 5, Е, И-дахалари.

### 23 июнь кунли

**2-ИМ** — Хумоюн, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони, Қодиров, Т. Малик, А. Матқобулов, Ш. Бурхонов, акад. Х. Абдуллаев, Иркутск кўчалари.

**8-ИМ** — Сергели 1-8А, Спутник 8, 15, 16, 17, Дўстлик-1, 2 турар жой мавзелари.

### 27 июнь кунли

**6-ИМ** — Кўйлик - 1 - 7 турар жой мавзелари, Кўйлик — айланма ҳалқа йўли, Мунис, Янгизамон, Х. Олимбеков, Бехтерев, А. Фитрат кўчалари.

### 28 июнь кунли

**1-ИМ** — Буюк Ипак йўли, акад. Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф. Хўжаев, Мухитдинов кўчалари, Ташсельмаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салор, ген. Петров турар жой мавзелари.

**4-ИМ** — Ҳасанов, Ф. Фулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А. Қодирий, А. Хидоятлов, Фаробий, Қамарнисо, Беруний, Мухбир кўчалари, Ц-17, 18 (Себзор), Тахтапуд, Ц-12, Ц-13, Ц-15, Қорақамиш-1/1, 1/

2, 1/3, 1/4, 2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев-1, 2, 3, ТошДУ-ТошПИ, Олимпия, Ибн Сино-1, 2, Белтепа, Жарариқ турар жой мавзелари.

### 30 июнь кунли

**9-ИМ** — Чилонзор мавзеси 13дан 15гача, 21дан 24, 30, 31-дахалари, Қизил Шарқ, Ал Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Х. Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин (Подмосковная), Лутфий кўчалари.

### 4 июль кунли

**ИЭМ** — Бобур, У. Носир, С. Мираҳмедов, Арнасой, Ш. Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпон ота кўчалари, Ц-7, Рашидов шох кўчаси, Чилонзор мавзеси 1, 2, 3, 4, 5, Е, И-дахалари.

### 5 июль кунли

**2-ИМ** — Хумоюн, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони, Қодиров, Т. Малик, А. Матқобулов, Ш. Бурхонов, акад. Х. Абдуллаев, Иркутск кўчалари.

**ИЭМ** — Бобур, Глинка, Афросиёб, А. Темур, А. Тўқай, Нукус кўчалари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Лоҳутий, Т. Шевченко, Шаҳрисабз, Я. Фуломов, Локомотив, Х. Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, «Учувчилар шаҳарчаси» турар жой мавзелари.

### 6 июль кунли

**5-ИМ** — Чилонзор мавзеси 5дан 12гача, Ц, Г9А 16дан 20, 20А, 26гача дахалари, Оқтепа, Қизил Шарқ, Дўмбиробод, Гулистон турар жой мавзелари, Роҳат, С. Мираҳмедов, Нақшошлик, Новза, Қозиробод, Фарход, Чўпон ота, Муқимий, Я. Купала, Заргарлик кўчалари.

### 7 июль кунли

«Авиақурувчилар» шаҳарчаси худуди, Гўзал-1, 2, 3, 4, 1-УҚК, Слоним-1, 2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчалари.

### 7 июль кунли

**4-ИМ** — Юнусобод мавзеси 1-19-дахалари, А. Темур, Каймаков, А. Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор кўчалари.

**8-ИМ** — Сергели 1-8А, Спутник 8, 15, 16, 17, Дўстлик-1, 2 турар жой мавзелари.

### 8 июль кунли

**4-ИМ** — А. Темур, Х. Асомов, Эргашев, Г. Мавлонов, Муртазаев, Хуршид, Ж. Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А. Зокиров, Х. Олимжон, Пушкин кўчалари, Ц-5, 6, Х. Олимжон майдон.

«Водник» қозонхонаси

— «Водник» турар жой мавзеси худудлари, Х. Бойқаро кўчаси.

### 11 июль кунли

**3-ИМ** — Чорсу, Беруний, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1, Б-2, Б-3, Ц-7, 10, 11, 14, Ц-26, 27, 28 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай, Рашидов, Космонавтлар шох кўчалари, Ўзбекистон, Афросиёб, Шаҳрисабз, Беруний, Ниязов, ген. Узоқов, А. Хўжаев, Фурқат, Самарқанд Дарбоза кўчалари.

**6-ИМ** — Кўйлик - 1-7 турар жой мавзелари, Кўйлик — айланма ҳалқа йўли, Мунис, Янгизамон, Х. Олимбеков, Бехтерев, А. Фитрат кўчалари.

### 12 июль кунли

**1-ИМ** — Буюк Ипак йўли, акад. Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф. Хўжаев, Мухитдинов кўчалари, Ташсельмаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салор, ген. Петров турар жой мавзелари.

**ТТЗ** — ТТЗ-1, 2, 2А, 4, Югнакий турар жой мавзелари, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Белоножко кўчалари.

### 13 июль кунли

**1-ИМ** — акад. Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Ж. Обидова, Ф. Хўжаев, Мўминов, Мухитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўрғони.

### 14 июль кунли

**4-ИМ** — Ҳасанов, Ф. Фулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А. Қодирий, А. Хидоятлов, Фаробий, Қамарнисо, Беруний, Мухбир кўчалари, Ц-17, 18 (Себзор), Тахтапуд, Ц-12, 13, Ц-15, Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев-1, 2, 3, ТошДУ-ТошПИ, Олимпия, Ибн Сино-1, 2, Белтепа, Жарариқ турар жой мавзелари.

### 25 июль кунли

**3-ИМ** — Чорсу, Беруний, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1, Б-2, Б-3, Ц-10, 11, 14, Ц-26, 27, 28 турар жой мавзелари, Навоий, Х. Дўстлиги, Абай шох кўчалари, Ўзбекистон, Беруний, Ниёзов, ген. Узоқов, А. Хўжаев, Фурқат, Самарқанд Дарбоза кўчалари.

*Қувурларда носозликлар бўлиши ва ёрилган жойлардан сув чиқиши мумкин бўлиб, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Ноодатий ҳолатларни сезишингиз билан: 133-32-32 телефонига қўнғирқоқ қилишингизни сўраймиз.*

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИХАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОЧИК КИМ-ОШИД САВДОСИНИ ЎТКАЗДИ.

2005 йил 28 июнь кунда куйидаги автотранспорт воситалари ким-ошид савдоси ўтказилди:

1. «Ваз-2103» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Р 70-42, бошланғич нархи 1 172 120 сўм, техник носоз;
2. «Ваз-21043» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 799 267 сўм, техник носоз;
3. «Газ-31029» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЗ 048, бошланғич нархи 1 181 066 сўм, техник носоз;
4. «Хундай Старек» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 9 000 000 сўм, техник носоз;

5. «Мерседес-Бенц-280» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Х 761 LPM, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник носоз;
6. «Газел 3302» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 444, бошланғич нархи 5 700 000 сўм, техник носоз;
7. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 232 138 сўм, техник носоз;
8. «Газ-2217-5304» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6 341 426 сўм, техник носоз;
9. «Тико» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 5491, бошланғич нархи 1 093 020 сўм,

техник носоз;

2005 йил 19 июль кунига куйидаги автотранспорт воситалари ким-ошид савдоси ўтказилди:

1. «Газ-5312» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 577, бошланғич нархи 213 711 сўм, техник носоз;
2. «Маз-500» автомобили, 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 757, бошланғич нархи 143 000 сўм, техник носоз;
3. «Маз-504В» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 628, бошланғич нархи 436 000 сўм, техник носоз;
4. «Одаз-9370» ярим тиркамаси, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 С 473, бошлан-

ғич нархи 412 809 сўм, техник носоз;

5. «Краз-257 К1» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 003, бошланғич нархи 1 491 513 сўм, техник носоз;

«Ким ошид савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошид савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошид савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси 3-уй 2-қavat.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

**Футбол**

**ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИГА ХОЗИРЛИК ҚИЗҒИН**

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Шунга қарамай терма жамоа умидли ёш чарм тўп усталарига таъянган ҳолда бўлгуси халқаро мусобақаларга жиддий ҳозирлик қўряпти.

Гап шундаки, Украина пойтахти Киев шаҳрида октябр ойида ногиронлар ўртасида футбол бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро миқёсдаги нуфузини, доимо муҳим беллашувларда галаба қозониб келганлигини, мутахассислар эътирофи эгандек, совринли ўринлардан бирига даъвогар эканлигини ҳисобга оладиган бўлса, Украинада уюштирилаётган Жаҳон чемпионатиға бекум кўст тайёрланиб бориш лозимлиги аён бўлади. Аммо, ҳозирги кунда терма жамоани миллионлар аҳвол биров ташвишга солмоқда. Агар мутасаддилар ушбу муаммони ҳал этишса ўзбекистонлик чарм тўп усталари навбатдаги Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

**БИРИНЧИЛИК СТАРТ ОЛДИ**

Кеча Бухоро шаҳрида 1990-1991 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаларига старт берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ЎФФ Болалар футболни ривожлантириш бўлими ҳамкорликларида Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар жамоалари иштирокида ўтказилаётган ушбу мусобақалар доирасида болалар мураббийлари учун ҳам ўқув семинари ташкил этилади.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Л.Б.Шастри номли 24-ўрта мактаби 2004 йилда битирган Пулатов Акмаль Бахрияровичга берилган ўрта маълумот тўғрисидаги О'Р № 1707850 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Л.Б.Шастри номли 24-ўрта мактаби 2004 йилда битирган Холмирзаев Сарвар Қудратуллаевичга берилган О'Р № 1707856 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Гуломова Аҳмадот Палванназаровна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Фуқаро муҳофазаси**

**ХАВФНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ**

Табий офат сўраб келмайди, дейдилар. Ер шарининг айрим мамлакатларида рўй бераётган кўнгилсиз офатлар бунга яққол мисол бўла олади. Шу боисдан, кўпгина давлатлар асосий эътиборни фуқаро муҳофазаси хизматлариға қаратаётгани бежиз эмас. Хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал, деганларидек мамлакатимизда ҳам аҳолини фуқаро муҳофазаси бўйича тайёрлаш борасида талай ишлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг 18-моддаси, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунининг 16-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги 427-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири — Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2005 йил 12 январдаги "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2004 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2005 йилдаги вазифалар тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 6 декабрдаги 871-сонли қарорига асосан пойтахт ҳудудидида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида Фу-

қаро муҳофазаси институтидида 2005 йилнинг биринчи чорағида Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбар ходимларидан 31 нафар, шаҳар ҳудудидидаги корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари ҳамда мутахассислардан иборат 320 нафар тингловчилар тайёрларикдан ўтказилиши учун машғулотларда тўлиқ қатнашушлари таъминланди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси "Аҳолини фуқаро муҳофазаси бўйича тайёрлаш маркази" томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёрларикдан ўтказиш, пойтахт ҳудудидидаги корхона, муассаса, ташкилотлар, жумладан таълим муассасаларида олиб борилаётган ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш мақсадида амалий таъминоти ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида Фуқаро муҳофазаси бўйича алоҳида синф хоналари ажратилиб, кўргазмалӣ воситалар билан жиҳозланди ва ўқитувчилар

шу соҳа бўйича тайёрларикдан ўтказилди. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида 28 та олий ўқув юрталарига, 117 та ўрта-махсус ўқув юрталари ва 310 та умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлариға хат билан мурожаат этилди. "Фуқаро муҳофазаси" бўйича машғулотларнинг ўқитилиши, мутахассислар малакаси, ўқув синф, аудиторияларнинг жиҳозланиши, кўргазмалӣ ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги, таълим муассасаларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш режаси бўйича барча маълумотлар олинмоқда ва кўйилган талабларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

Умуман, 2005 йилнинг биринчи чорағида "Аҳолини фуқаро муҳофазаси бўйича тайёрлаш маркази"да машғулотлар орқали 4850 нафар тингловчилар 7 соатлик дастур асосида тайёрларикдан ўтказилди. Ўқув машғулотлари асосан назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машғулотлар қизиқарли баҳс-мунозара тарзида ўтказилмоқда.

Бошқарма офицерлари Р.Нуралиев, О.Шоусупов, М.Жўраев ва етакчи мутахассислар Х.Шодиёв, З.Яролянов, У.Сувоновлар аҳоли яшаш жойларида, маҳаллаларда жонли мулоқотлар олиб бормоқдалар. Тошкент шаҳри ҳудудидида жойлашган ўтамуҳим, тоифалаштирилган, кимёвий хавфи бор объектларда ўтказилган 63 та махсус-тактик машғулотларда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

**Х.ҲОЖИБОЕВА, А.СУЮНОВ**

**Мунажжим башорати**

**ҲАР СОҲАДА ОМАДЛИ КҮН**

17 июнь, жума

Бир сўз билан айтганда, мунажжимлар бугунги кунни билимлар кунни деб таърифлашади. Зардуштийлар бу кунни гулханлар ёқиш, барча кераксиз нарсаларни, буюмларни ўтга ташлаш билан нишонлашган. Гулханлар алангадан, исирик ва хушбўй ўсимликлар исиди даволаниш ҳам уларда одатий тусга кирганди.

Эрталаб ва кундузи ҳар қандай фойдали меҳнат билан шуғулланиш мумкин. Айниқса, таъмирлаш-тиклаш ишлари ва кийим-кечакларни тартибга келтириш самарали бўлади. Бугунги кун, шунингдек, акборотлар устида ишлаш, китоб мутолаа қилиш ва янги билимларни эгаллаш учун ҳам қўлай ҳисобланади.

Ой сайёраси йўналиши сиз ҳолатда бўладиган кечки пайтлар (соат 18.04 дан 23.00 гача) кўпгина кишилар ўзларини эркин қўйиб, имкониятларига ортиқча баҳо берадиган бўлиб қолишади. Бу ҳолат уларнинг ўзаро муносабатларига раҳна солиши мумкин.

Одамларнинг кўпчилиги кунни хурсандчиликда, энгилелли ишлар билан ўтказишга мойил бўлишади. Зиёфатлар уюштириш, бошлиқларни гийбат қилиш, маънавий қадриятларга менсимай қараш кайфиятлари кучаяди. Ким ҳақ, ким ноҳақ деган масалани ҳар ким ўз фойдасига ҳал қилмоқчи бўлади.

Ҳар қалай, бугун сафарлар ва саёхатларға чиқиш, билимларни ошириш йўлидаги интишлар самарали бўлади. Албатта очик ҳавода бўлиб, муздек сувда чўмилиб олиш сизға тетиклик ва куч-қувват бағишлайди.

Шамолдан эшик ёки деразининг очилиб кетиши яхшилик аломати бўлса, бирон нарсанинг ёниб кетиши ёки кўп тутунни кўрсангиз бу нохушлиқлар ва йўқотишлардан огоҳлантириш ҳисобланади. Ўт тушиши, нарсаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, у ер-бу ерингизнинг қуйиб қолиши ҳам нохушлиқларға ишора бўлади. Бугун нон ёпиш, қайнатма ва хамир овқатлар тайёрлашдан тийилиш тавсия этилади.

Бу кеча кўрилган тушлар башоратинг бўлади. Лекин улар шаҳсан ўзингизға эмас, яқинларингиз, атрофингиздагиларға кўпроқ тааллуқли бўлади. Бугунги тушлар тўғри талқин қилинади ва тез орада ўнгидан келади.

Буёрақлар ва умуртқаларингизни эҳтиёт қилинг. Бугун томлар ва суюқликлар истеъмолда ўзингизни ечқаб, қийнаб ўтирманг. Таомлар иссиқ ва хилма-хил бўлиши керак.

Кийимлардан сариқ, қизил ва жигарранглилари афзал, ялтироқ кийимлар кийиш ҳам мумкин. Қулранг ва кўк ранглардан ўзингизни тортинг.

**БУГУНГИ МАСЛАХАТЛАР:**  
— бошлаб қўйган муҳим ишларингизни ниҳоясига етказиш;

— яқунлар чиқариш, режалар тузиш, ким билан ва қаерда дам олишингизни аниқлаб олиш;

— рассомлар, дизайнерлар ва бошқа санъат аҳли билан яқинлашиш;

— кийим-кечакларингизни тартибга келтириш;

— саёхатлар, сафарларға чиқиш;

— ўз дид-фаросатингизға ишониб иш қўриш тавсия этилади.

Саломатлигингиз ёмонлашишиға бепарқ қараш (айниқса аёллар учун) мутлақо мумкин эмас.

**Эки... Эки... Эки**

4 та турли ўлчамдаги, шунингдек, бронли, шляпа учун, йўл сумкаси, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган ҳамда гилофдан иборат жомадонлар мажмуасининг умумий нархи 601.340 доллар баҳолангани учун Гиннеснинг «Рекордлар китоби»ға киритилган.

Қимматбаҳо зеби-зийнатлар билан безатилган ҳамён АҚШнинг (Нью-Йорк) «Кристис» савдосида энг юқори рекорд баҳо — 189.000 доллар бўлгани 9 ноябрь 1993 йил қайд этилиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»ға киритилган.

Марказий Африка императори фельдмаршал Джин Фидер Боксаннинг бир жуфт қимматбаҳо марваридлар қадаб тикилган буюртма ботинкасининг Париждаги «Берлутти» модалар уйида баҳоланган дунёдаги янгона ботинка бўлиб, Гиннеснинг 2000 йил чоп этилган «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

«Джин» фирмаси ишлаб чиқарган сандал оёқ кийимни аллигатор терисидан тикилиб, пошнаси эса лайкадан қўқилган ва ботинка иплари эса бриллиант бўлиб, унинг нархи 29.800 доллар баҳолангани учун ҳам, Гиннеснинг 2000 йил чоп этилган «Рекордлар китоби»ға киритилган.

Жаҳон экспертизаси текшируви натижасига кўра, Британия миллий лотореяси 1997/1998 йилда йили дунё мамлакатлари лотореялари савдоси бўйича 1-ўринни олган. Бир йиллик лоторея савдоси атиги 9.256.5 миллион долларни ташкил қилгани учун ҳам Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан жой олган.

АҚШнинг Бостон шаҳрида 10 апрель 1999 йил Массачусетс жекпот лотореяси уйида Бостон шаҳри фуқароси Мария Грасо 197 миллион доллар ютуғига эга бўлиб, Гиннеснинг 2000 йил чоп этилган «Рекордлар китоби»ға киритилган.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.**



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмаль АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма таъриф офсет усулида босилган.  
3684 нусхада босилди. Қозғоғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Навр кўрсатқоғи — 563

Нашриетга берилган масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»ға — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва сақчиланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси:  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.